

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2020 йил ноябрь ойининг 2 куни жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят суди ўз идора биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят суди судьяси У.Каримов, судья катта ёрдамчиси И.Якубжоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Андижон вилоят прокуратураси бўлим прокурори А.Кўчқаров, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси М.Жамоловларнинг иштирокида, [REDACTED] га оид 1-17-2003/49-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED], 1990 йил 18 октябрда Асака шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, ишламаган, Асака тумани, Дўстлик МФЙ, Дўстлик кўчаси, 11-уйда яшаган, иш бўйича 2020 йил 13 июнда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2020 йил 20 сентябрда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244¹-моддаси 3-қисми “г” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED], интернет жаҳон ахборот тармоғининг “YouTube” ижтимоий тармоғи орқали, “Содий Самаркандий”, “Абдуллоҳ Бухорий”, “Абдуллоҳ Домла” каби “Жиходчилар” диний экстремизм оқим етказиларининг «Ҳижрат» ва «Жиход»га қорловчи диний мазмундаги маърузаларни тинглаб, 2019 йил 8 сентябрда Х.Ашировнинг “Хурсандбек Абдулхамидович” профилига ақидапарастлик ғоялари билан йўғирилган “Тавҳид ва жиход катибаси” террористик ташкилотнинг рамзи туширилган атрибут ва рамзий белгиларини, “Имом Бухорий катибаси” террористик ташкилотининг диний мазмундаги маърузаларини, 2020 йил 13 май куни таниши Б.Иброхимовнинг “Biloldin” профилига ақидапарастлик ғоялари билан йўғирилган “Имом Бухорий катибаси”, “Тавҳид ва Жиход катибаси” каби террористик ташкилотларнинг диний мазмундаги маърузаларини, шу куни Ш.Ўсарованинг “Умма Абдуллоҳ” профилига ақидапарастлик ғоялари билан йўғирилган Абдували Мирзаевнинг “Аллоҳ таолони тўғри танишлик”, “Жудаям кўп инсонларни солиҳ амалларига”, “Ислом йўлидаги синовларга сабр қилишлик ортидан келувчи лаззатни” ва “Муҳим эслатмалар” деб номланган электрон шаклдаги



ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган маърузаларини Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб тарқатган.

Судланувчи [REDACTED] судда айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2007 йилдан буён Россия Федерациясига ишлаш мақсадида бориб келганини, дастлабки диний билимларини 2012 йилда Москва шаҳри, Проспект мира кўчасидаги Новокузнецкий метро бекатида жойлашган масжид имоми томонидан ўрганганини, 2012-2016 йилларда Россия Федерациясида бўлган вақтларда уяли телефон аппарати орқали «Жиходчилар» диний экстремизм оқим етакчилари «Абдуллоҳ Домла», «Абдуллоҳ Бухорий» ва бошқа маърузалари тинглаш таъқиқланган домлаларнинг диний мазмундаги маърузаларини тинглаб келганини, 2020 йил 19 май куни Асака тумани ИИБ ходимлари уни Асака тумани ИИБ биносига чақиритиб, хизмат хонасида икки нафар холис ва мутахассис иштирокида унга тегишли бўлган уяли телефон аппарати ва профили кўздан кечирилганида, у билан суҳбатлар олиб борган “Biloldin”, “Абу Абдуррахман” ва бошқа шу каби номли профил фойдаланувчларга Ўзбекистонда таъқиқланган “Содий Самаркандий”, “Абдуллоҳ Бухорий”, “Абдуллоҳ Домла” каби диний экстремизм оқими етказиларининг «Ҳижрат» ва «Жиход»га чорловчи диний мазмундаги маърузалар ва видео роликлар юборилгани аниқланганини, қилмишидан пушаймонлигини кўрсатди.

Гувоҳ Б.Иброхимов судда, 2014 йилдан буён Россия Федерациясига ишлаш учун бориб келишини, Россия Федерациясида бўлган вақтида таниши [REDACTED] билан интернет тармоғининг “Телеграмм” мессенжери орқали суҳбатлашиб келишгани, бу орада у Ўзбекистонда таъқиқланган “Содий Самаркандий”, “Абдуллоҳ Бухорий”, “Абдуллоҳ Домла” каби диний экстремизм оқими етказиларининг «Ҳижрат» ва «Жиход»га чорловчи диний мазмундаги маърузалар ва видео роликларини юбориб келгани, ушбу шахсларнинг маърузалари таъқиқланганини дастлабки тергов даврида билгани, юборилган маърузаларни бир қисмини тинглагани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Х.Аширов судда, гувоҳ Б.Иброхимовнинг кўрсатувини тасдиқлаб, унинг кўрсатувиغا ўхшаш кўрсатув берди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2020 йил 3 июндаги №ИО-785-сонли ҳулосасида, экспертизага тақдим қилинган материаллар асосида ўтказилган тадқиқот қисмининг 3,5,6,10,14 ва 16-бандларида кўрсатилган маълумотлар, ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилганлиги, 10,11,16,17,18-бандларида кўрсатилган файлларда, таъқиқланган “Тавҳид ва жиҳод китабаси” террорчи ташкилотига нисбатан хайрихоҳлик уйғотиш мумкинлиги, 12,14-бандларида кўрсатилган маълумотлар Ўзбекистон Республикасида фаолияти таъқиқланган “Имом Бухорий катибаси” террористик ташкилотига тегишлилиги, 11 ва 18-бандларда “Ироқ ва Шом давлати” террористик ташкилотининг байроғи акс этган бўлиб, террористик ташкилотнинг атрибутлари ва рамзий белгилари бўлганлиги сабаб уларни Ўзбекистон



Республикасига олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатиш тақиқлангани кўрсатилган.

Судланувчи []нинг айби булардан ташқари, тушунтириш хатлари, профилларни кўздан кечириш ва маълумотларни кўчириб олиш, фотожадваллар, нарсани олиш ва ашёвий далил тариқасида эътироф этиш, экспертиза хулосалари, гувоҳлар кўрсатувлари ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан исботланган.

Суд []нинг жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган маълумотларни интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб тарқатишдан иборат ҳаракатларини 244¹-моддаси 3-қисми “г” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилонга бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши, 54-моддасида суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши, ЖКнинг 455-моддасида ҳукм қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шартлиги, ҳукм айбдорга нисбатан жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва унинг шахси эътиборга олиниб тайинланган бўлса, айбсиз шахс эса оқланган ва реабилитация қилинган бўлса, адолатли деб эътироф этилиши, Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 37-бандида ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки айбдорнинг шахси, жиноят содир этиш пайтдаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитини ҳам эътиборга олишлари лозимлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиш мумкинлиги (масалан, моддий зарарни тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок



этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этишга туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к) ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд ҳайъати, судланувчи [REDACTED] га жазо тайинлашда у томонидан содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, уни айбига тўлиқ иқрор ва қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганини, оилали, 2 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганини енгиллаштирувчи ҳолатлар ҳамда айни вақтда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар деб баҳолаб, Ўзбекистон Республикасида ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, айбланаётган модда санкциясида назарда тутилмаган бошқа енгилроқ озодликни чеклаш жазосини тайинлашни лозим топди.

Суд ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддаси тартибида ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, ашёвий далил тариқасида олинган 2 дона уяли телефон аппаратларини тегишли тартибда йўқ қилишни, жиноят ишида сақланаётган 3 дона ДВД дискларни ишда қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига асосан

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 244¹-моддаси 3-қисми “г” банди билан айбли деб топилсин.

[REDACTED] га Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 244¹-моддаси 3-қисми “г” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 2 йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

[REDACTED] га озодликни чеклаш жазосини ўташ даврида кечки соат 22.00 дан эрталабки соат 06.00 га қадар шифохонада тиббий ёрдам олиш вақти истисно этилган ҳолда яшаш уйини тарк этиш, оммавий тадбирлар ўтказилишида иштирок этиш, Асака туман ИИБнинг рухсатсиз яшаш жойини ўзгартириш, Андижон вилояти ҳудудидан ташқарига чиқиш ҳамда интернетдан фойдаланиш тақиқлансин.

[REDACTED] га даволаниш ёки бошқа зарурат туфайли яшаш ёки иш жойи ўзгарган тақдирда бу ҳақда Асака туман ИИБга дарҳол маълум қилиш мажбурияти юклатилсин.

Жазони ижросини назорат қилиш Асака туман ИИБга юклатилсин.

А.Нўмоновга тайинланган озодликни чеклаш жазосининг муддати жазони ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

[REDACTED] га озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосини



ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазога алмаштирилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилсин.

███нинг эҳтиёт чораси сифатида 2020 йил 12 июндан 2020 йил 2 ноябрга қадар қамоқда сақланган кунлари ЖКнинг 62-моддаси тартибида тайинланган жазо муддатидан чегирилиб, ўташ учун 1 йил 7 ой 9 кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

███га қўлланилган эҳтиёт чораси бекор қилиниб, у Андижон вилоят ИИБ 3-сонли тергов ҳибсхонасида қамоқдан озод қилинсин.

Ашёвий далил тариқасида олинган 2 дона уяли телефон аппарати тегишли тартибда йўқ қилинсин, жиноят ишида сақланаётган 3 дона ДВД дисклар ишда қолдирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб 10 сутка ичида жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судига апелляция тартибида шикоят келтиришга ёки протест билдиришга, апелляция тартибида шикоят, протест берилмаган тақдирда ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят келтиришга ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

ИМЗО

**Ҳукм нусхаси аслига тўғри,
вилоят судининг судьяси**

У.Каримов



Раислик қилувчи судья

У.Каримов

Хужжат имзоланган: Каримов Улуғбек Авазхонович, 06.11.2020

